O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI
BO'STON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

Andijon viloyati Bo'ston tumani Mustaqillik ko'chasi 51-uy

2022 - yil 27 - aprel 87-1-19-Q/22 Bo‘ston tuman hokimligi

Бўстон тумани ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш шўъба Низомини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 август кунги “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6275–сонли Фармонига, вилоят ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятининг 2022 йил 15 апрелдаги 15/06-23-сонли хати ҳамда Андижон вилояти ҳокимининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятининг Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 2022 йил 22 апрелдаги 204-1-0-Q-22-сонли қарорини туманда ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси фаолиятини тартибга солувчи Низомни тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятининг 2022 йил 15 апрелдаги 15/06-23-сонли хати ҳамда вилоят ҳокимининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятининг Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 2022 йил 22 апрелдаги 204-1-0-Q-22-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шўъбасининг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда тартибга солувчи наъмунавий Низом иловага асосан тасдиқлансин ҳамда шу асосида иш ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг

ўринбосари Б.Назиров зимммасига юклатилсин.

Бўстон тумани ҳокими **S.A.NOSIROVA**

Bo‘ston tuman hokimining
2022 yil 27 apreldagi
87-1-19-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш

шўъбаларининг намунавий

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу намунавий низом туман (шаҳар) ҳокимликлари болаларни ҳимоя қилиш шўъбаларининг (кейинги ўринларда – шўъба)нинг фаолиятини тартибга солади.

2. Шўъба ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари қарорлари ва бошқа ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

3. Ушбу намунавий Низом асосида туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан шўъба низоми ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

4. Шўъба болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг ишчи органи ҳисобланади.

II. Шўъбанинг асосий вазифалари

5. Шўъбанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

болаларни ҳимоя қилиш соҳасида:

-бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ушбу йўналишда давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

-бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

-бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

-бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

-ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш;

-болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлаш;

-тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш;

-ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш;

-назоратсиз, қаровсиз ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган, шунингдек, оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш ва уларни муқобил шаклда жойлаштириш;

-боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғилган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чора-тадбирларини кўриш;

-вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисида ҳомийларнинг розилиги билан қарор қабул қилиш;

васийлик ва ҳомийлик соҳасида:

-етим болаларнинг ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

-етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

-етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш, шунингдек уларнинг мол-мулки бут сақланишини

таъминлаш;

-етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни “Васийлик ва ҳомийлик” электрон платформасига киритиб бориш ва уларни фарзандликка, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олишда ушбу платформадан фойдаланиш;

-уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатини «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритиш ва уларга уй-жой ажратиш чораларини кўриш;

-етим болаларнинг ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш ва таъминот шароитларини, шунингдек васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказиш ҳамда бу ҳақда далолатнома тузиш;

-етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик қилаётган шахсларни рағбатлантириш чораларини кўриш;

-васийликдаги ёки ҳомийликдаги ҳамда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

-васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларни жойлаштириш;

-васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритиш ва сақлаш;

-васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга ошириш, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни тарбиялашни, уларнинг тиббий кузатувини ташкил этишда, таълим муассасаларига ҳамда ишга жойлаштирилишида ёрдам кўрсатиш;

-васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга тегишинча маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

-васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар билан ишлаш бўйича давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

-васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш;

-васийликни ёки ҳомийликни тугатиш, васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритиш;

-фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар бериш ҳамда уларнинг васийлик ва ҳомийлик масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан зарур чоралар кўриш.

Шўъба қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. Шўъба фаолиятини ташкил этиш

6. Шўъба туман (шаҳар) ҳокимликларининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

7. Шўъба таркиби 2 штат бирлигидан иборат бўлади:

1 штат бирлигида – шўъба мудири;

1 штат бирлигида – шўъбанинг бош мутахассиси.

8. Шўъба мудири Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

9. Шўъбанинг бош мутахассиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади.

10. Шўъбага, қоида тариқасида, биринчи навбатда “психология”, “юриспруденция” ва “ижтимоий иш” соҳалари бўйича олий маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.

11. Шўъба фаолиятига шўъба мудири раҳбарлик қилади. Шўъбанинг бош мутахассиси шўъба мудири олдида ҳисобдордир.

12. Шўъба фаолияти Вазирлар Маҳкамаси Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти томонидан мувофиқлаштирилади.

13. Шўъба қонунчиликда белгиланган тартибда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

IV. Шўъба мудири ва бош мутахассисининг вазифалари

14. Шўъба мудирининг вазифалари:

-бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, ушбу йўналишда давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

-бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

-бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди;

-бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлайди;

-ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлайди ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлайди;

-болаларни оилада тарбиялаш шаклининг устуворлигини таъминлайди;

-тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ва бандлигини таъминлайди;

-ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлайди;

-назоратсиз, қаровсиз ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган,

шунингдек, оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш ва уларни муқобил шаклда жойлаштириш чораларини кўради;

-вояга етмаганни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) тўғрисида ҳомийларнинг розилиги билан қарор қабул қилади;

-судлар томонидан болалар тарбияси тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда иштирок этади;

-болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг ишларини ташкил этиш ва комиссия қарорлари ижросини мониторинг қилиб боради;

-болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссияларининг масъул котиби ҳисобланади.

Шўъба мудири қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15. Шўъбанинг бош мутахассиси вазифалари:

-етим болаларнинг ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилади;

-етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади;

-етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларнинг ахборот базасини юритади, улар ҳақидаги маълумотларни “Васийлик ва ҳомийлик” электрон платформасига киритиб боради;

-уй-жойга муҳтож бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатини «онлайн-навбат» ахборот тизимига киритади;

-боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиқиб, жойлаштириш шаклларини танлайди;

-давлат муассасаларига (интернатларга) жойлаштириладиган балоғатга етмаганларнинг ҳисобини олиб боради ва ҳужжатларини

тайёрлайди;

-туман (шаҳар) ҳокимига вояга етмаган болаларни фарзандликка, васийликка, ҳомийликка олиш юзасидан тавсияномалар тайёрлаш;

-васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган ҳамда васийларга ва ҳомийларга қўйиладиган талабларга мос бўлган шахсларни танлашни ҳамда ҳисобга олишни амалга оширади;

-етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришни, шунингдек уларнинг мол-мулкининг бут сақланишини таъминлайди;

-етим болаларнинг ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг турмуш ва таъминот шароитларини, шунингдек, васий ёки ҳомий бўлиш истагини билдирган шахсларнинг турмуш шароитларини текширувдан ўтказади ҳамда бу ҳақида далолатнома тузади;

-васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини юритади;

-васийлар ва ҳомийларнинг ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариши устидан назоратни амалга оширади, уларга васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларни тарбиялашда, тиббий кузатувини ташкил этишда ёрдам кўрсатади;

-васийликни ёки ҳомийликни тугатиш тўғрисида, васийларни ёки ҳомийларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этиш ёхуд четлаштириш ҳақида туман, шаҳар ҳокимига илтимосномалар киритади;

-боланинг ҳаётига ёки соғлиғига бевосита таҳдид пайдо бўлган ҳолларда уни ота-онасидан ёхуд ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан олиб қўйиш чораларини кўради;

-ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳолларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлайди;

-белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этади, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек, ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда иштирок

этади;

-васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга маслаҳат ёрдами, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик-педагогик ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

-фуқароларга васийлик ва ҳомийлик масалалари бўйича маслаҳатлар беради ҳамда уларнинг васийлик ва ҳомийлик масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади;

Шўъбанинг бош мутахассиси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

V. Якуний қоида

16. Шўъба қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.